

**ТОШКЕНТ ШАХРИ ЙЎЛЛАРИДА ҲАЙДОВЧИЛАР ТОМОНИДАН  
“ОРАЛИҚ МАСОФАНИ” САҚЛАМАСЛИК ОҚИБАТЛАРИ**

**Рахмат Бахтиёр Абдуманноб ўғли**  
(Тошкент давлат транспорт университети)

**Аннотация:** Вақт шундай шиддат билан ўтаяптики ҳаттоқи юртимизда транспорт воситалари оқимининг кескин ошиб бориши, иирик шаҳарларда эса транспорт воситаларининг белгиланган меъёридан ҳам кам тезликда ҳаракатланиши, катта чорраҳаларда транспорт воситаларининг оралиқ масофаларни сақламасликлари оқибатида кескин равишда йўл-транспорт ҳодисаларининг ошиб кетиши натижасида ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг ҳалок бўлган ҳамда жароҳат олганлар сони ҳам тобора ўсиб бориши ва уларнинг олдини олиш ҳамда камайтириши чора-тадбирлари ҳам ортиб бориши ҳақида.

**Калит сўзлар:** баҳтсиз ҳодиса, ҳаракатни нотўғри ташкил этиши, тезликка риоя этмаслик, йўлларнинг ҳолати, мавжуд инфратузилма, авария ўчоқлари.

**Abstract:** In recent times, there has been a sharp increase in the flow of vehicles in our country, the movement of vehicles in large cities at a speed even less than the established norm, the sharp increase in traffic accidents caused by the fact that vehicles do not maintain intermediate distances at large intersections, as a result of which the number of killed and injured

**Key words:** accident, improper organization of traffic, speed violation, condition of roads, existing infrastructure, accident hotspots.

Жорий 2025 йилнинг январь ойи давомида Тошкент шаҳри ҳудудида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари 17 тани ташкил этиб, бу кўрсат-кич 2024 йилнинг шу даврига 3 тани, яъни 14 тага кўпайганлигини кўриш мумкин.

Ўлим билан боғлик ҳолатлар 6 тага (6/0) ўсган. Дастлабки маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 2025 йил 01 январь ҳолатига доимий аҳоли сони 37 543 002 кишини ташкил этган. Бу кўрсаткич 2024 йилнинг шу даври билан солиширилганда 2,0 фоизга кўпайган. Ўзбекистонда жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомобиллар сони 2025 йилнинг 01 июль ҳолатига 4 612 700 тани ташкил этган. Бу кўрсаткич бир йил аввалгига нисбатан 441 500 тага ошган.


1. — Енгил автомобиллар – 4 289 000 та
2. — Юқ автомобиллари – 302 600 та
3. — Автобуслар – 6 100 та
4. — Микроавтобуслар – 7 700 та
5. — Махсус транспортлар – 7 300 та.



Жисмоний шахсларга тегишли машиналар сони 4,6 млн.дан ошди.

Бундан яққол кўриниб турибдики, аҳолининг транспорт воситасига бўлган эҳтиёжи йилдан йилга борган сари жадал равишларда ўсиб бормоқда. Сўнгги вақтларда юртимизда транспорт воситалари ошиши, транспорт воситалари оқимининг кескин кўпайиши, йирик шаҳарларда транспорт воситаларининг белгиланган меъёридан хам кам тезлика ҳаракатланиши, белгиланган манзилига “тезроқ етиб олиш” мақсадида катта чорраҳаларда транспорт воситаларининг оралиқ масофаларни сақламасликлари оқибатида кескин равишида йўл-транспорт ҳодиса-ларининг ошиб кетиши натижасида ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг ҳалок бўлган ҳамда тан жароҳати олганлар сони ўсиб бормоқда.

Бу эса Президентимизнинг сўнгги йилларда ҳам нафақат республикамизда, балким Тошкент шаҳри йўлларида содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг кўпайиб бораётганлигига ҳам алоҳида эътибор бериб келаётганлиги, энг ачинарлиси ушбу ЙТҲлари оқибатида вафот этаётганларнинг ва оғир тан жароҳати олиб, бир умрга ногирон бўлиб қолаётганлар ҳақида қуюниб гапиришларига сабаб бўлмоқда.



Юқорида келтирилган диаграммада Тошкент шаҳри туманларида йўл ҳаракати қоидаларини – ҳайдовчилар томонидан “оралиқ масофани сақламаслик”лари оқибатида содир этилганлигини кўриш мумкин.

ЙТҲларнинг қарийб тўртдан бири ҳайдовчилар томонидан бошқарилаётган транспорт воситаларининг тўқнашуви, турган транспорт воситасига бориб урилиши, маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш, оралиқ масофани сақламаслик оқибатида юзага келган.

Айнан инсон омили билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиши йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу ЙТҲларнинг асосий сабаби, ҳайдовчиларнинг оралиқ масофани сақламаганликлари, ҳайдовчининг тажрибасизлиги ҳамда пиёдаларга йўл бермаслик, светофор ва йўл белгиларига риоя қилмаслик каби ҳолатлар бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент шаҳри йўлларида йўл ҳаракати қоидасини ҳайдовчилар томонидан бузилиши яъни айнан транспорт воситаларининг оралиқ масофаларни сақламасликлари оқибатида кескин равишда йўл-транспорт ҳодисаларининг ошиб кетиши натижасида ҳай-довчилар ва йўловчиларнинг ҳалок бўлган ҳамда жароҳат олганлар сони ўсиши ва уларни олдини олиш, камайтириш ҳамда самарадорлиги бу :

а) ҳайдовчилар томонидан транспорт воситаларининг оралиқ масофани сақламаслик оқибати ЙТҲларнинг олдини олишни йўл-транспорт ҳодиса-сидан сўнг, бошқарув орқали тезкор ва тизимли ҳаракатни таъминлашдан;

б) ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидасини бузилишини айнан оралиқ масофани сақламаслик оқибатида йўл-транспорт ҳодисалари энг кўп содир бўлаётган худудларни аниқлашдан;

в) ЙТҲлар содир бўлган худудларда йўл ҳаракати хавфсизлиги дара-жасини ошириш учун нокулай омилларни бартараф этишга қаратилган керакли чора тадбирларни режалаштириш;

г) режалаштирилган тадбирларнинг самарадорлигини ва уларни амалга ошириш натижасида бахтсиз ҳодисалар сонининг тахминий камайишини ҳисобга олган ҳолда тадбирларни ўtkазиш харажатларини баҳолашдан иборатdir.

Ҳар бир йўл ҳаракати қатнашчилари (йўловчи, пиёда, ҳайдовчи) йўлда ҳаракатланиш қоидаларига риоя қилиши ва ҳаракатланиши маданиятини шакиллантириш орқали транспорт воситалари ва пиёдалар билан гавжум бўлган йўлларнинг тинч ва осойишта бўлиши учун, шу жумладан Ўзбекистон ҳам ривожланаётган давлатлар қаторига қўшилар экан, йўл ҳаракати қатнашчиларининг ўз маданиятини янада шакил-лантириши асосий вазифамиз бўлиб қолади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар :**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.04.2022 йилдаги 190-сонли қарори.
2. “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” Ўз.Р. ВМнинг 12 апрель 2022 йилдаги 172-сонли қарори.
3. Harakat havfsizligi asoslari o’quv metodik qo’llanma, Toshkent -2014 , 19-20 bet.
4. Аземша С.Н., А.Н.Старовойтов. Применение научных методов в повышении БДД. Гомель, 2017 год.
5. Қ.Х.Азизов: “Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари”. Тошкент 2009.
6. Сильянов В.В. и др. “Безопасность дорожного движения.” Справочная энциклопедия дорожника (СЭД). Т. VIII.–М.:ФГУП «ИНФОРМАВТОДОР», 2008.
7. Клинковштейн Г.И., Афанасьев М.Б. “Организatsія дорожного движения”: Учеб. Для вузов – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: Транспорт, 2001.
8. Кременец Ю.А., Печерский М.П., Афанасьев М.Б. “Технические средства ОДД” : учебник для вузов. – м.: ИКЦ «Академкнига», 2005.
9. Методические рекомендатсии по назначению мероприятий для повышения безопасности движения на участках концентратсии ДТП. – М.: Феде-ральное дорожное агентство (Рос.Авто.Дор), 2006
10. Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲҲБ статистика маълумотлари @Militsiya\_Uzb.
11. <https://cyberleninka.ru/article/n/haydovchilarni-tayyorlashda-raqamli-Ozbekiston-2030-dasturini-joriy-etish>